ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ МАЪНАВИЙ ВА ҒОЯВИЙ ЖАРАЁНЛАРИ

З.М.Хайитматов

Мақолада Ўзбекистонда экстремизм ва терроризмга қарши маънавий-ғоявий кураш жараёнлари ёритилиб, "жаҳолатга қарши маърифат" тамойилининг амалда қўлланиш зарурати асослаб берилган.

Калит сўзлар: *экстремизм, терроризм, жараён, маърифат, хавф, маънавият.*

В статье освещены процессы духовно-идеологической борьбы против экстремизма и терроризма, обоснована необходимость практического применения принципа "просвещение - против невежества".

Ключевые слова: *экстремизм, терроризм, процесс, просвещение, угроза, духовность.*

The article throws light upon the spiritual-idcological fight against extremism and terrorism, grounds the necessity of the practical use of the principle "enlightenments against ignorance".

Key words: *extremism, terrorism, enlightenment, process, threat, morality.*

Ҳозирги кунда дунё ҳамжамиятига назар солсак, қайси бир мамлакатларда фан-таълим тараққий этиб бораётган бўлса, қайси бирларида терроризм ва экстремизм авж олиши давлатларнинг барақарорлиги ва ривожланишига хавф солмоқда. Айниқса, дунё аҳолисининг қарийб учдан бир қисмини ташкил этаётган ёш авлоднинг баъзи қатламлари экстремизм ва терроризм таъсирига тушиб қолаётгани ташвишли ҳолга айланди. Бугун ушбу ҳолатга панжа орасидан қараш оғир оқибатларга олиб келишини тушуниб етган дунёнинг ривожланган давлатлари билан Ислом Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар экстремизм вабосига қарши кураш мақсадида бирлашмоқдалар. БМТ томонидан ҳам экстремизм ва терроризмга қарши қатор халқаро меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. 2017 йил 20 сентябрда БМТнинг 72-сессиясида нутқ сўзлаган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев жаҳондаги барча халқларо ташкилотлар ва давлатлар раҳбарларини экстремизм ва терроризм вабосига қарши курашга ва огоҳликка даъват этиб, қуйидаги фикрларни билдирди: "Дунёда терроризм таҳдидлари, айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани уларга қарши асосан куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганидан далолат беради. Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга жаҳолат ва муросасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир. Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда. ... Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси "вируси" тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз" [1]. Ўзбекистон давлати раҳбарининг терроризм ва экстремизмга қарши биргаликда кураш олиб боришга даъвати БМТ Бош Ассамблеяси сессияси иштирокчилари томонидан қизғин кутиб олинди. Ўзбекистон Республикаси номидан илгари сурилган таклифлар БМТнинг терроризм ва экстремизмга қарши курашга доир меъёрий ҳужжатларида ўз ифодасини топди.

Ўзбекистонда экстремизм ва терроризм таҳдидига қарши курашишда кўплаб самарали ишлар амалга оширилди. Бироқ сўнгги ўн йилликда терорчилик ва экстремизмга қарши курашда баъзи хатоликлар юз берди. Жумладан, "Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш" ўрнига фақат куч билан – ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар воситасида курашиш авж олди. Бундай кураш йўли эса экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг ғоявий ва маънавий воситаларига эътибор берилмаслигига олиб келди. Натижада нафақат террорчилик ва экстремистик ҳаракатлар иштирокчилари, балки уларнинг оила аъзолари, яқин қариндош-уруғлари ҳам "жамиятга хавф туғдирувчи унсурлар" сифатида баҳоланиб, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари анча чеклаб қўйилди. Террорчилик ва экстремизм иштирокчилари ва уларнинг яқинларига нисба-

тан давлат сиёсати Ш.М.Мирзиёевнинг Президентлик фаолияти бошланганидан кейин тубдан ўзгара бошлади. 2017 йил 15 июнда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарлари, дин арбоблари, “Нуроний” ва “Маҳалла” жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, илм-фан ва маданият намояндалари, исломий таълим муассасалари мутасаддилари ва талабалари, жамоатчилик вакиллари иштирок этган “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқида Президентимиз террорчилик ва экстремизмга қарши курашда бутунлай янги, инсон ҳақ-ҳуқуқларига ҳурмат билан қараш ғоялари билан суғорилган ёндашувни илгари сурди [2].

Мазкур анжуманда Президент Ш.М.Мирзиёев ҳозирги даврда ёшлар, айниқса, чет элда ишлаб, ҳалол меҳнат билан даромад топаман деб юрган фуқароларимиз терроризм ва экстремизм чангалига тушиб қолмаслиги учун чоралар кўриш, ижтимоий-маънавий муҳитни ва аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, ёшларни турли экстремистик оқимлар таъсиридан асраш масалаларини ҳал қилишга доир вазифаларни қўйиб, жаҳолатга қарши маърифат ташаббуси билан чиқиш, маҳаллада бирорта бола зарарли диний оқимга кириб қолган бўлса, уни нотўғри йўлдан қайтаришга ҳаракат қилиш, билим, ақл ва маърифат, намунали ишлар билан уни ишонтириш, бу жараёнда тарихдан, бугунги ҳаётимиздан олинган ҳаётий, таъсирчан мисоллардан фойдаланиш кераклигини уқтирди. Бу соҳадаги иш фаолиятининг асосини тарғибот, ташвиқот ишларини олиб боришга қаратди.

Шу даврга амал қилиб келинган нохуш ҳолат – “қора рўйхатга киритилган” радикал диний таълимотларга берилган шахсларни қайтадан ўрганиб чиқиш, уларни бу рўйхатдан чиқариш ишлари бошланди. Мамлакатнинг барча минтақаларида ички ишлар вазирлиги, давлат хавфсизлик хизмати, прокуратура, ҳокимликлар, масжидлар ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари вакилларидан иборат махсус комиссия гуруҳлари ташкил этилди. Мазкур “қора рўйхат”га тушганлар” уч даражага бўлинган ҳолда ўрганилди: 1) олдин диний оқимларга берилиб, сўнгра ундан чиққанлар; 2) иккиланувчилар; 3) диний оқимга берилган ва радикал кайфиятдаги одамлар. Мазкур гуруҳлар чуқур ва обдон ўрганишлар натижаси ўлароқ “қора рўйхат”га тушганларнинг биринчи ва иккинчи даражага мансубларини, уларнинг қариндош-уруғлари ва оила аъзоларини бу рўйхатлардан чиқарила бошланди. Аста-секинлик билан 3-даражага мансуб диний оқимлар иштирокчиларининг бир қисми ҳам ўз радикал қарашларидан кеча бошлади.

2017-2018 йилларда махсус комиссиялар 20 мингдан ортиқ собиқ диний оқимлар аъзоларини “адашганлар” деб баҳолаб, “қора рўйхат”дан чиқарди. Бундан ташқари, маҳаллий давлат ҳокимиятлари ва бошқа органлар Президент кўрсатмаси асосида рўйхатдан чиқарилган фуқароларнинг ижтимоий фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитлар яратиш ва ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўра бошлади [3].

Диний оқимлар таъсирига тушиб қолган фуқароларга нисбатан давлат сиёсатининг тубдан ўзгариши қисқа вақт ичида ўз натижаларини бера бошлади. 2017 йилнинг охирида “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ўтказган социологик тадқиқотлар натижаларига кўра, Ўзбекистон аҳолисининг 90 фоизи давлатимизнинг дин соҳасидаги сиёсатини қўллаб-қувватлашини билдирган. Сўровномада иштирок этганларнинг 1,3 фоизи диний муносабатларнинг кучайиши давлатнинг дунёвий характерига путур етказади, деган нуқтаи назарни билдирган [4].

Мамлакатимизда экстремизм ва террорчиликка қарши курашда 2018 йил 31 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни муҳим воқеа бўлди. Қонуннинг 3-моддасида “экстремизм” тушунчаси қуйидагича таърифланади: “Экстремизм – ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳокимиятни зўрлик ишлатиб эгаллашга ва унинг ваколатларини ўзлаштириб олишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатишга қаратилган ҳаракатларнинг ашаддий шакллари ифодаси”. Қонуннинг 9-моддасида экстремистик фаолият юритган шахсларга 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгилаб қўйилди [5].

2018 йилнинг 12 декабрида БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессияси Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош сессиясида илгари сурган «Маърифат ва диний бағрикенглик» махсус резолюциясини қабул қилди. Албатта, бу Ўзбекистон давлатининг жаҳон сиёсати субъекти сифатида обрўси ва нуфузи ошиб бораётганини англатади. Мазкур ҳужжатда “бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни ўрнатиш, диний эркинликни таъминлаш, диндорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг камситилишига йўл қўймаслик”ка ҳам чақирилган.

Ўзбекистоннинг БМТдаги доимий ваколатхонаси хабарига кўра, резолюция нафақат БМТнинг барча аъзо давлатлари томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди, балки унга 50 дан ортиқ давлатлар ҳаммуаллиф сифатида иштирок этиш ис-

тагини билдирди. Уларнинг ичида Қирғизистон, Қозоғистон, Ливан, Марокаш, Бирлашган Араб Амирликлари, Уммон, Покистон, Корея Республикаси, Россия, Саудия Арабистони, Сингапур, Судан, Тожикистон, Таиланд, Озарбайжон, Жазоир, Баҳрайн, Белоруссия, Гана, Тунис, Туркманистон, Филиппин, Япония каби йирик давлатлар бор [6].

БМТ Бош Ассамблеясида мазкур резолюциянинг бир овоздан қабул қилиниши Президентимизнинг турли миллат ва конфессиялар ўртасида ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва бирдамлик муҳитини мустаҳкамлаш, конфессиялар, миллатлар ва маданиятлараро мулоқотни қўллаб-қувватлаш ва асраш, юртимизда тинчлик ва тотувликни таъминлашга қаратилган изчил ва пухта ўйланган стратегияси халқаро ҳамжамият томонидан тўла қўллаб-қувватланаётганининг яққол далилидир.

2018 йил охирида Ўзбекистонда экстремистик ҳаракатларга қарши кураш миллий ва умуминсоний қадриятлардан келиб чиқиб амалга оширилаётгани АҚШ томонидан эътироф этилди. 2018 йил 11 декабрь куни АҚШ давлат котиби Мак Помпео Ўзбекистон Республикаси диний эркинлик бузилгани муносабати билан “ортиқ даражадаги хавотир уйғотувчи” мамлакатлар рўйхатидан чиқарилганини расман эълон қилди. АҚШнинг бу қарори ўтган 20 йил ичида иккинчи марта эълон қилиниши (дастлаб Вьетнам давлати) эканига эътибор берсак, унинг халқаро аҳамиятини янада чуқурроқ англаймиз.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлигининг хабар беришича, «АҚШнинг халқаро диний эркинлик масалалари бўйича элчиси Сэм Браунбэк бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи жараёнида диний эркинликни таъминлаш, амалдаги меъёрларни яхшилаш ва соддалаштириш, радикализмга қарши ёндашувларни ишлаб чиқиш, диний жиноятларни содир этганликда айбланган минглаб кишиларнинг озод қилиниши, шунингдек, исломни тарғиб қилишнинг институционал механизмларини яратиш бўйича амалий чораларга гувоҳ бўлиш имконига эга бўлди” [7]. Албатта, бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳнамолигида 20 минг фуқаронинг турли экстремистик ва террорчилик гуруҳлари аъзолари рўйхатидан чиқарилиши, қариндош-уруғларининг ҳуқуқий камситилишига чек қўйилиши, 2018 йил мобайнида тақиқланган экстремистик ташкилотларда иштирок этган 646 нафар фуқаронинг афв этиш асосида қамоқхоналардан чиқарилиши муҳим аҳамият касб этди.

Хулоса қилиб айтганда, турли экстремистик ташкилотлар Ўзбекистонга суқилиб киришга уринаётган бир пайтда ёшлар дунёқарашини шакллантириш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, соф исломий таълимотга доир билим ва ахборот бериш долзарб вазифалардан бирига айланди. Чунки “ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш” даврида ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш уларни турли радикал диний оқимлар таъсирига тушиб қолишдан асрайди. Зеро, жамият барқарорлиги ёшларнинг ижтимоий фаолияти ва уларнинг дунёвий билимларни эгаллашга интилишлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиеёевнинг 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // http://www.press-service.uz/uz /lists/view/1063.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи. 15.06.2017 й.//http://www.president.uz/uz/lists/view/649.

3. Борьба с религиозным экстремизмом – опыт Узбекистана //http://ctc-rk.kz/%D0%B1%D0%BE%D1%80%D1%8C%D0 %B1%D0%B0-%D1%81....html

4. Петров Е. Исламский ренессанс. О попытках Мирзиеева изменить религиозную жизнь Узбекистана // http://www.centrasia.ru/newsA.php?st= 1519458480

5. Генпрокуратура: в Узбекистане нет списка возможных экстремистов //https://news.mail.ru/society/35754288/?Frommail=1.

6. БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон ишлаб чиққан резолюцияни қабул қилди // https: //www.gazeta.uz/uz/2018/12/ 13/bmt-rezolyutsiya

7. ТИВ: АҚШ давлат котиби қарори – диний соҳадаги ютуқларнинг тан олиниши // https://www.gazeta.uz/uz/2018/12/12/tiv.

Андижон давлат университети,
2018 йил 25 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: т.ф.д. О.Комилов)